[redacted]-сонли иш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Тошкент шаҳри [redacted]

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси [redacted] раислигида, судья ёрдамчиси [redacted] котиблигида, даъвогар [redacted] жавобгар [redacted] МЧЖга нисбатан тарафлар ўртасида махсус ахборот порталида электрон давлат харидлари натижаси бўйича [redacted] тузилган [redacted]-сонли шартномани бекор қилиш, жавобгардан даъвогар фойдасига [redacted] жарима сифатида закалат суммаси ва [redacted] пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасига асосан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан: даъвогар вакили Н.Хатамжонов (ишончнома асосида), (жавобгар вакили иштирок этмади) иштирокида ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

[redacted] (матнда даъвогар ёки буюртмачи деб юритилади) ва [redacted] МЧЖ (матнда жавобгар ёки етказиб берувчи деб юритилади) ўртасида махсус ахборот порталида ўтказилган давлат харидлари натижаси бўйича [redacted] товар етказиб бериш тўғрисида [redacted] [redacted]-сонли шартнома тузилган.

Мазкур шартноманинг 2.1-банди талабига кўра “Буюртмачи” шартнома умумий суммасининг 100 фоизи миқдоридаги пул маблағларини махсус ахборот портали оператори (матнда оператор деб юритилади)нинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берган.

Шартноманинг 2.2-бандига асосан етказиб берувчи ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (матнда ҲККП деб юритилади) операторидан пул маблағлари келиб тушганлиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг 1 кун ичида шартномада кўурсатилган маҳсулотларни буюртмачига етказиб бериши лозим бўлган бўлсада, белгиланган муддат ичида маҳсулотлар етказиб берилмаганлиги асоси билан даъвогар Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида махсус ахборот порталида электрон давлат харидлари натижаси бўйича [redacted] тузилган [redacted]-сонли шартномани бекор қилишни ва жавобгардан даъвогар фойдасига [redacted] жарима сифатида закалат суммаси, [redacted] пеня ва ундиришни сўраган.

Суднинг [redacted] ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи

шахс сифатида [redacted] (бундан буён матнда учинчи шахс деб юритилади) жалб қилинган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар ва учинчи шахсдан вакиллар суд мажлисида иштирок этмади.

Учинчи шахс судга маълумотнома тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинчалик матнда ИПК деб юритилади) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Шу сабабли суд ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди

Суд, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни ҳамда суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддаси иккинчи қисмига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда низо маҳсулот етказиб бериш шартномасидан келиб чиққан.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар (буюртмачи) ва жавобгар (ижрочи) ўртаисда махсус ахборот порталида (электрон дўкон) ўтказилган электрон давлат харидлари натижаси бўйича товар етказиб бериш тўғрисида [redacted]-лот бўйича [redacted]-сонли шартнома тузилган.

Шартнома 1-бандига кўра жавобгар умумий қиймати [redacted] бўлган шартномада назарда тутилган техник параметрлардаги [redacted] (бундан буён матнда маҳсулот деб юритилади)ни даъвогарга етказиб бериши, даъвогар эса уни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

ФКнинг 437-моддасига кўра маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи - сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи

эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартноманинг 2.1-бандига кўра даъвогар операторнинг ҳисоб-китобклиринг палатаси (кейинги ўринларда — ҲККП) ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 100 фоизини шартнома рўйхатга олинган санадан бошлаб 10 иш куни мобайнида амалга ошириши, 2.2-бандига кўра жавобгар операторнинг ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан тўлов ҳақидаги хабарномасини олган вақтдан бошлаб 1 иш куни ичида маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олган.

Даъвогар маҳсулот учун 100 фоиз тўловни операторнинг махсус ҳисобрақамига ўтказиб берган. Шундан сўнг, оператор жавобгарни даъвогар томонидан маҳсулот учун тўлов суммаси 100 фоиз амалга оширилганлиги тўғрисида хабардор қилган.

Жавобгар операторнинг тўлов амалга оширилганлиги ҳақида хабарномасини олган бўлсада, шартномада белгиланган товарни жавобгарга етказиб бермаган.

Даъвогар томонидан жавобгарга талабнома юборилиб, шартнома ижросини таъминлаш, маҳсулот етказиб берилмаса шартномани жарима тўлаган ҳолда бекор қилиш талаб қилинган. Бироқ ушбу талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

ФКнинг 382-моддасига кўра агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Мазкур ҳолатда жавобгарнинг шартнома шартларини бузганлиги ва махсулотни етказмаганлиги ҳолатини суд шартнома шартларини **жиддий бузиш деб** баҳолайди.

Шу сабабли, суд даъвонинг тарафлар ўртасида [redacted] электрон давлат харидлари махсус ахборот порталида тузилган [redacted]-сонли шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабини асосли деб топиб, уни тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Шунингдек, даъво аризасида жавобгар томонидан аванс тўлови сифатида киритилган [redacted] закалатни жарима сифатида ундириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғига илова “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 52-бандига кўра буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ҲККП ушбу

шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича пул маблағларига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд қўяди;

корпоратив буюртмачи томонидан шартнома бўйича киритилган маблағлардан, закалатдан ташқари, бандни бекор қилади;

корпоратив буюртмачи ва ижрочининг закалатига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд қўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборади.

Ушбу Низомнинг 53-бандига кўра ҲККП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закалатни банддан ечишни ва/ёки тегишли ҳисоб рақамга ўтказишни амалга оширади.

Бунда, ҲККП ижрочининг закалати жарима сифатида бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закалатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни амалга оширади.

ФКнинг 311-моддасига мувофиқ шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси закалат ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 312-моддасида закалат билан таъминланган мажбуриятни бекор қилиш ва бажармаслик оқибатлари келтирилган бўлиб, ушбу моддага асосан агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат пули иккинчи тарафда қолади.

Агар шартноманинг бажармаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Жавобгар шартнома шартларини лозим даражада бажармасдан, маҳсулотни шартномада белгиланган муддатларда етказиб бермаган.

Шунга кўра, суд даъво талабининг [redacted] оператор томонидан банд қўйилган закалат пулини жарима сифатида ундириш тўғрисидаги талабини асосли деб ҳисоблаб, ушбу даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

[redacted]

[redacted]

Қайд этилганларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириб, суд харажатларини ИПКнинг 118-моддаси талаблари асосида жавобгар зиммасига лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи” тўғрисидаги Қонунинг 9-моддасига асосан 17 бандига асосан давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари - етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан давлат божи тўловларидан натижаси бўйича ҳам озод этилганлиги боис, ушбу холатда даъвогардан давлат божи ундирмасликни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга топиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 170, 176-180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар [redacted] ва [redacted] МЧЖ ўртасида махсус ахборот порталида электрон давлат харидлари натижаси бўйича [redacted] тузилган [redacted]-сонли шартнома бекор қилинсин.

Жавобгар [redacted] МЧЖдан даъвогар [redacted] фойдасига [redacted] закалат жарима сифатида ва [redacted] почта харажати ундирилсин.

Жавобгар [redacted] МЧЖ ҳисобидан республика бюджетига [redacted] давлат божи ундирилсин.

[redacted]

Ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси тарафларга юборилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига бир ойлик муддат ичида апелляция шикояти бериш (протест келтириш) ёки ушбу муддатда апелляция шикояти (протест) берилмаса, олти ойлик муддат ичида кассация шикояти бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи, судья [redacted]